

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 6 март • №9 (1290)

ҚАЛБЛАРДА БАҲОР ВА ГЎЗАЛЛИК ШУКУҲИ

Мана, ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор кириб келди. Қишнинг нафасидан бироз толиққан дилларни яна яшариш, янгилиниш, ўйғониш, гўзаллик каби ажиб ҳислар чулғай бошлади. Ахир бу фаслда табиат ўзининг мўъжизаларини бирма-бир олам узра кўрсатиб, бутун борлик янада чирой очади.

Аёллар байрами, яъни Халқаро хотин-қизлар куни ҳам баҳорнинг илк кунларида нишонланиши бежиз эмас. Унинг табиат ўйғониши билан ҳамоҳанг бўлишида ҳам ўзгача маъно мўжассам. Аслида самимий табассумдан ёришган юзлар баҳор кўркидир. Бошқача айтганда, аёл ва баҳор бир маъно гўё. Сабаби, бу икки тимсол бир-бирини тўлдириб туради...

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонат, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар Отин каби юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз. Айтиш жоизки, мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов истиқлолнинг илк кунларидан, аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни нечоғлик бекиёс эканлигини белгилаб, берган эдилар. Шу маънода Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва маънавиятини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларимизнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир сабаби шундаки, аёл аввало ҳар инсоннинг бешигини тебратган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган фидойий бўлганлиги учун ҳам уни чин маънода маънавият гулшани деб аташ мумкин. Ана шундай пурмаъно фикрларни дилдан чўқур ҳис этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз хотин-қизларига кўрсатаётган эҳтироми ҳам бундан мустасно эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан аёлларимиз меҳнати улуғланиб, қанчадан-қанча оналаримиз, опа-сингилларимиз юксак унвон ва эътирофларга муносиб бўлмоқдалар. Ўзбекистонда фан соҳасида 400 дан ортиқ фан номзоди, фан доктори, профессор аёллар фаолият кўрсатаётганлиги бунинг исботидир. Улар орасида тиббиёт дарғалари ҳисобланган олима, академиклар ҳам бор. Улар айна пайтда Республика тиббиёт муассасаларида халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилмоқда. Биз ҳақли равишда ана шундай ўз касбининг фидойиси бўлган тиббиёт ходималарига ҳурмат эҳтиром кўрсатамиз ва улар билан фахрланамиз!

Шу фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги мунис онажонларимиз ва опа-сингилларимизни яқинлашиб келатган баҳорий айём, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклаймиз.

Намоз ТОЛИПОВ.



ЎЗБЕК ОНАСИ

Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг.
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сени Тўмарис деб, мақтаганим бор,
Сен Темур бешигин тебратган бедор,
Сенсан Бибихоним, Нодираи зор,
Пайти келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Ватанини Она деб бекор айтилмас,
Она буюрганда йўлдан қайтилмас,
Сен ўзинг Каъбамсан, Байтул муқаддас,

Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Бошингдан нималар ўтмади ахир,
Ватандек тақдиринг бўлди гоҳ тахир,
Бобур шоҳ бўлсада, қошингда фақир,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Гоҳида балкидинг Барчиндек тўлиб,
Гўзадек қуридинг Турсуной бўлиб,
Тимсолинг яловда юлдуздек қулиб,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Фарзандинг қувонса — сен ҳам қувондинг,
Фақат болам дединг, яшадинг, ёндинг,
Нокаси учраса, ўртандинг, тондинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Келажак тойчоғу тойингиздадир,
Жаннат ҳам, албатта, пойингиздадир,
Ватан-ку Сиз турган жойингиздадир,
Пайт келди, айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сизга таъзим қилиб турибман бу пайт,
Сизга бахшидадир энг шоҳона байт,
Азиз элу юртга дуоларинг айт,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Абдулла ОРИПОВ.

Эҳтиром ва эъзоз

АЁЛ РҲҲИЯТИДА ОИЛА, ЖАМИЯТ

Камаш НАГАШИБАЕВА,
«Дўстлик» ордени соҳибаси,
Томди туман тиббиёт бирлашмаси
бошлигининг даволаш ишлари
бўйича ўринбосари:

– Олис Навоийнинг Томдиси деса кўпчилиكنинг тасавурига чўл манзараси, яшаш шароити оғир ҳудуд келиши мумкин. Аммо мен шу ерда туғилиб, чўл кўшигини тинглаб улгайганман. Шу боис, менга бу ернинг ҳар қаричи азиз. 1995 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаб, 1995-1996 йилларда болалар инфекцияси йўналишида интернатурадан сўнг, Томди туманида иш бошладим. Шу кунга қадар соҳанинг турли лавозимларида фаолият юритдим. Жумладан, бош шифокор ўринбосари, кўп тармоқли марказий поликлиника мудири ҳамда 2010 йилдан



туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи. Ушбу лавозимда уч ярим йил ишладим. Айни пайтда эса даволаш ишлари бўйича ўринбосар лавозимида ишлаб келмоқдаман. Утган йил мам-носабати билан кўп ҳам «Дўстлик» орбиргина меннинг кофот деб била-ти бошқа жойлар-лик даражаси учраб туради. Бугун тиббиётга сак даражага чиқилди. Презими-миз 2018 йил ви-мизга ташриф лан Томди аҳо-лиши учун ҳудуд мат машиналари Касбимга мөх-қозондим. Тур-нафар фарзандни каби тиббиёт соҳа-сидагў йўналишида. Бугун имкониятдан фойдаланиб, камтарона хизматларимни шу даражада қадрлаган Юртбошимизга миннатдорлик билдираман. Қолаверса, юртдошларимизни яқинлашиб келаятган Наврўзи ҳам, оналаримиз ва опа-син-гилларимизни эса 8 март билан муборакбод этаман.

Кўнглимда тилакларим кўп. Бугунга қадар уларнинг аксариятига айнан касбим орқали эришдим.



МАРТ МУБОРАК!

Шу боис ҳам касбимга бўлган меҳрим ўзгача. Бошқа соҳани тасавуур қилолмайман.

буорганида алоҳида топшириқлари билсига сифатли тиббий хизмат кўрсати-шароитига мослашувчан УАЗ тиббий хиз-ажратилди. рим баланд. У орқали ҳурмат-эътибор муш ўртоғим Жалғас Боранов билан икки воёга етказдик. Катта ўлим Рўсдаулёт мен ни таллади. Кичкинаси Шындаулёт эса пе-олиб денти-лояти-



Гулнора ДАМИНОВА,
«Шухрат» медали соҳибаси,
Республика шошилинич тиббий ёрдам
илмий маркази Сурхондарё филиали
анестезиология ва реаниматология бўли-
ми ҳамшираси:

– 25 йиллик фаолиятимнинг қарийб 24 йили марказининг терапия бўлимида ўтди. Узоқ йил-лик фаолиятим давомида ҳар доим тажрибамни бойитишга ҳаракат қилдим. Бугунги кунда Президенти-миз томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш ти-зимини такомиллаштириш ва албатта, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш масаласи-га жиддий эътибор қаратилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, бу эътибордан ўрта тиббиёт ходимлари, ҳамширалар ҳам четда қола-ётгани йўқ. Яъни, бугунги кунда тизимда фаолият юритаётган ҳамширалар учун кенг имконият яратилмоқда. Энди улар ҳам олий маълумот эга-си бўлиши мумкин. Бундан ташқари, мамлака-тимизнинг энг чекка ҳудудларида жойлашган тиб-биёт муассасаларига ҳам замонавий технологи-ялар имконияти етиб бормоқда. Шу жиҳатларини ўйлаб, бахтли мамлакат фуқаро-лари эканлигимизни хис қиламан.

Шошилинич тиббий ёр-дам ўз номи билан харак-терланади. Бу йўналишда муолажалар олдиндан ре-жалаштирилмади. Мутахас-сисларимиз ҳар қандай ҳолатта шай туришади. Қола-верса, айни пайтда тез ёрдам

Ҳаётнинг завқли онлари кўп. Айниқса, касб-би, фаолиятнинг орқали кимгадир ёрдамнинг тегса ёки кимнингдир ҳаётига қувонч ула-шишга ҳиссанг кўшилса, бунинг учун мин-натдорлик ҳиссини туйсанг, бу меҳнатнинг ортидан келган энг олий мукофотдир.

хизматида ҳам ижобий янгилинишлар амалга оширилмоқда. Бирламчи тизим билан доимий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида шахар ва қишлоқ оилавий поликлиника-лари фаолияти доирасида ҳам тез ёрдам хизмати йўлга қўйилди. Бу катта натижа, албат-та. 2019 йил мен учун хотирамда ўчмас из қолдирди. Камтарона меҳнатим халқимизга манзур бўлиб, Президенти-мизнинг эътиборига сазовар бўлдим. Мустақиллик байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти – «Шухрат» медалига лойиқ, деб топил-ди. Бунинг учун чексиз миннатдорлигимни билдираман. Табиийки, буни меҳнатла-рим махсули баробарида, масъулият ҳам деб ҳисоблайман.

Биласизми, ўлкамизга ҳар йили баҳор фасли кириб келганида табиат янглим кай-фиятимда ҳам янгилиниш содир бўлади. Қалбида шундай янгилинишлар билан яшай-диган барча хотин-қизларимиз, ўзбегим аёлларини 8 март – Баҳор айёми билан чин дилдан табриқлайман.

Шахноза ПЎЛАТОВА,
II даражали «Соғлом авлод учун»
ордени соҳибаси,
1-Республика клиник
шифохонасининг реабилитация-
неврология бўлими мудири,
тиббиёт фанлари номзоди:

– Ҳаётим давомида ҳам, фаолиятим мобайнида ҳам ҳамма нарсани тақ-қослаб кейин хулоса чиқаришга одатлан-ганман. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, кеңаги тиббиёт тизимини бугун-гисига солиштириб бўлмайди. Аслида бу табиий ҳолат. Сабаби, бошқа соҳалар каби соғлиқни сақлаш хизмати ҳам йил-лар давомида такомиллашиб бормоқда. Бироқ, мен бу борадаги қиёсланиш жа-ҳон тиббиёти ва мамлакатимиз тиббиё-тини ёнма-ён қўйиб баҳолашга ҳаракат қиламан. Очиғи, баъзи жиҳатларда ўзим ҳам фарқ тополмай қоламан. Айниқса, кейинги йиллар давомида амалга оши-рилаётган ислохотлар мисолида олиб қарайдиган бўлсам.



Аввало, тиббиёт ходимларининг меҳнатини қадрлаб борасидаги фикрларимни айтсам. Сўнгги йилларда бу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа вакилларининг меҳнатига ҳақ тўлаш сезилар-ли даражада ижобий томонга ўзгарди ва бу жараён давом эттирилмоқда. Шунингдек, пенсия ёшига етган тажрибали мутахассислар малакасидан унумли фойдаланиш мақ-садида уларга фаолиятини давом эттириш ҳамда ёш кадрлар билан устоз-шоғирд-лик аънанасини мустаҳкамлаш тизими яхшиланмоқда. Бундан ташқари, ишлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, тиббиёт муассасалари имкониятини замон талаб-лари даражасига олиб

Баҳор – айёмлар фаслидир. Қалбларга илиқлик, янгилиниш нафасини олиб келувчи бу фаслнинг ҳар куни байрам.

Фурат фойдаланиб, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритиб келаятган барча ҳамкасбаларим-ни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий кутлаб қоламан.

чиқиш масалаларига аҳамият берилмоқда. Хусусан, фаолиятда ҳужжатлар билан иш-лаш тўлиқ электрон шаклга ўтказилмоқда. Диагностика ва даво-лаш ишлари юқори технологияли, энг за-монавий аппаратлар, ас-боб-ускуналар билан таъминланмоқда. Биз – мутахассисларга эса фақат ишлаш қолди. Буларнинг барчаси халқимизни сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш-дек, эзгу мақсадларга қаратилгандир.

Ана шу жараёнларга қўшган озгина ҳиссамизни Давлатимиз юксак даражада баҳо-лади. Бу эса бир меннинг эмас, соҳа фаолияти тараққиёти йўлида фидокорона меҳ-нат қилаётган барча касбдошларимнинг мукофотидир.



Раъно НОСИРОВА,
«Ўзбекистон Мустақиллигига
25 йил» эсдалик нишони соҳибаси,
Тошкент шахар Чилонзор туман
тиббиёт бирлашмаси
бош шифокори:

– Аёл... У она, уй бекаси, тадбиркор ва жамоада раҳбар... Қандай касбда фао-лият юритишидан қатъи назар, аёл ўз на-фосати, меҳру муҳаббати ила борлиқни ўзида жо эта олади. Зеро, «Дунёни гўзал-лик кутқаради», деб бежиз айтилмаган. Шундай экан, аёл зотига шөър битмаган шоир, таърифу тавсиф бермаган ёзувчи, қўшиқ куйламаган хонанда бўлмаса ке-рак. Улар билан ҳаётимиз гўзал, хонадо-нимиз саранжом-саришта, дастурхонимиз файзли. Сирасини айтганда, аёл борки, олам мунаввар. Бугунги кунда қайси бир соҳани олмайлик унда аёлларнинг муно-сиб ўрни борлигини кўраемиз. Бундай эъзозга лойиқ хотин-қизлар орасида рес-публикамиз тиббиёт муассасаларида беморларга шифо бағишлаб, меҳнат қилаёт-ганлар жуда кўп. Айниқса, улар орасида давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган хотин-қизларимизнинг борлиғи, бу албатта, аёл зотига бўлган эҳти-ромдир. Мана, бир неча йилдирки соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритиб кела-ман. Аввало, ушбу касбни танлаганимдан ва халқимга ёрдамим тегаётганлиғи-дан хурсанд бўла-ман. Қанчадан-қанча нуруний она-хонча отахонлар-нинг дуолари, бе-мор қалбларининг розилиғи янада касбимга бўлган меҳримни ошира-ди. Шифокор де-ган номга эришимда устозим онажоним Саодат Ҳамидовнанинг ҳиссалари катта деб биламан.

Таъкидлашим жоизки, бугунги давр жуда шиддатли. Замонамиз аёли эса ортда қолишни истамайди. Аёл руҳиятидаги ўзгаришлар ҳам шунга монанд. Бугунги ўзбек хотин-қизлари ҳақ-ҳуқуқларини биладиган ва ҳаёт ташвишларидан ўзини ҳимоя қила оладиган даражада заковатлидир. Модомики, оила аталиш кўрғоннинг то-тувлиғи, барқарорлиғи, фарзандлар тарбияси аёлнинг метин иродаси ва ақлу зако-ватига боғлиқ экан, шундай бўлиши ҳам керак албатта.

Юртимиз аёлларини баҳорнинг илк айёми 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин юракдан муборакбод этиб, уларга сийҳат-саломат-лик ва гўзаллик тилаб қоламан.

Шоирларимиздан бири «Дунёда шундай улуг зот борки биз ундан ҳаммиша қарздоримиз. У ҳам бўлса, онадир деган эди». Ҳа, барчамизни дунёга келтирган тинчлигим ҳам, оромим ҳам сен деб эркалайдиган меҳридарё онажонларимиз олдида доим таъзимда-миз...

Дил битиклари

ВА БУГУНГИ КУННИНГ НАФАСИ...



– Аёл хамиша эзгулик ва нафосат тими соли бўлиб келган. У бор экан, жамиятда ҳам, оилада ҳам ўзгача меҳру муҳаббат туйғусини ҳис қиламиз. Оламшумул ютуқлари билан барчани ҳайратга солаётган болажонлари она юрт шаъни учун майдонга тушаётган азамат йигитлар ва дилбар қизларимизнинг ноёб истеъодлари ҳам “Она” деб аталмиш буюк зотнинг фидойилиги туйғайли юзага чиқади. Шу боис, айна пайтда юртимизда

Дилором ҚУРБОНОВА,
“Дўстлик” ордени соҳибаси, Сирдарё вилоят Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмасининг
“Оқ олтин” қишлоқ врачлик пункти мудир:

тиббиёт соҳасига қаратилган эътибор, айниқса, соғлом она ва бола тамойили бўйича амалга оширилган ишлар диққатга моликдир. Албатта, бу жараён тиббиёт ходимларига жуда катта масъулият юклайди. Жумладан, одамларимизни бугуннинг мавзусига айланган соғлом турмуш тарзи ва соғлом фикрлашга бўлган иштиёқи ортиб бормоқда. Бу борадаги фаолиятлар ҳам тўғри йўлга қўйилиб, кенг омма ўз саломатлигига янада эътибор қаратмоқда. Ёшлигимдан шифокор бўлишни орзу қилар эдим. Ниҳоят, ҳужжатларимни ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясига топшириб, талаба деган номга мушарраф бўлдим. Олийгоҳни тугатгач, акушер-гинеколог йўналишида фаолият бошладим. Лекин мақсадим бирламчи тизимда фаолият юритиб, аҳоли саломатлигини сақлашни биринчи вазифам, деб билдим. 40 йил тиббиёт тизимида ишлаб, шифокорлик касби бу менинг бахтим эканлигига амин бўлдим. Мана, 25 йилдирки, Мирзаобод туманидаги “Оқ олтин” қишлоқ врачлик пунктида мудира бўлиб ишлаб келмоқ-

даман. 2000 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик” лойиҳасининг тавсияси билан Эстония давлатида умумий амалиёт шифокори бўйича ўқув курсида малакамни ошириб қайтдим. Олган билимларим асосида фаолиятларни йўлга қўйдим. Аввало, касбимдан бахт топишимнинг асосий сабаби, мени қўлаб-қувватлаган халқим бўлди. Тиббиётнинг асосий мақсади, касалликларни олдини олиш ва унинг профилактикасига эътибор қаратишдан иборат эканлигини дилдан чуқур ҳис этган жамоамиз ходимлари бир жону бир тан бўлиб, фаолият олиб бормоқдалар. Шифо масканимизда аҳолига барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ходимлар учун аллоҳида хоналар ажратилган бўлиб, уларда умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж хамишарлари фаолият олиб боришади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик” лойи-

ҳаси ҳамкорлигида қишлоқ врачлик пунктимизга берилган тиббий асбоб-ускуналар бугунги кунда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда. Ўтган йиллар билан ҳозирги давр имкониятлари ўртасида жуда катта фарқ бор. Бу албатта, истиқлолимиз шарофатидан. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларни қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларига жиддий ёндашилаётганлиги, замонавий аппаратура ва жиҳозлар билан таъминланаётганлиги ва каби тиббиёт ходимларига кўтаринки кайфият ва шиқоат бағишламоқда. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида камтарона меҳнатимни муносиб баҳолаб, “Дўстлик” ордени билан тақдирлаган Юртбошимизга самимий миннатдорлигимни билдираман. Албатта, бу каби ишончи оқлаш учун аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда бор куч гайратимни аямайман.

Қириб келган гўзаллик ва эзгулик байрами билан тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган барча аёлларимизни чин дилдан муборакбод этаман. Уларнинг келгуси ишларида зафарлар тилаб қоламан.

Нисо ТУРДИЕВА,
Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг
кардиохирургия бўлими болалар кардиохирурги:

– Аёлларимизнинг бугунги руҳиятида, аввало, қатъийлик, замон билан ҳамнафас яшаш иштиёқи баланд ва кучлироқ эканлигини кўраемиз. Лекин оила аталмиш кўрғоннинг тотувлиги, фарзандлар тарбияси-ю, соғлом муҳитнинг барқарорлиги, албатта, аёлнинг метин иродаси ва ақлу заковатига боғлиқ. Аёл – бугун она, уй бекаси, раҳбар, моҳир ташкилотчи ҳамда ташаббускор ходима. Унинг руҳиятида эртанги кун нафаси, янгиланиш ва ўзгарувчанлик бахти ҳужмрон. Дарҳақиқат, аёл учун эътирофга лойиқ фикрларни айтар эканман, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг хотин-қизларга бўлган эътибор ва гамхўрликларини фахр билан тилга олиб, қалбимда ифтихор туйғуси жўш уради. Давлатимиз раҳбари мен халқим билан ишлаганимда, изланувчан, руҳи тетик, юрагида жўшқинлик сезилиб турган хотин-қизларни кўриб мамнун бўламан, чунки улар келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг бахту камоли учун курашадиган мунис онажонларимиздир, дея ушбу фикрларни тақдор ва тақдор айтадилар. Айниқса, Юртбошимизнинг ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши ҳамда чинакамига фаолият юритиши учун қаратаётган эътибор ва гамхўрликлари албатта таҳсинга лойиқдир. Аввало, жаннатмакон юртда туғилиб, айна пайтда Самарқанд вилоятининг болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиохирургия бўлимида бола-

лар кардиохирургия бўлиб фаолият юритаётганимдан ҳамда оғир дард билан келаётган бо-

соҳа мутахассисидан катта масъулият қолаверса, малака ва ҳушёрлик талаб этади. Мазкур

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

2010 йилда Санкт-Петербург Педиатрия тиббиёт академиясини имтиёзли диплом билан тугатдим. 2010-2015 йилларда Россия Федерацияси, Москва шаҳридаги А. Бакулев номидаги юрак-қон томир хирургияси илмий марказида ординатура ва аспирантурада таҳсил олдим. 2017 йилда устозим профессор Лео Бокерия раҳбарлигида диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим. 2012-2019 йилларда мазкур марказда кичик илмий ходим ва юрак қон-томир хирургия лавозимида ишладим.

лажонларга ҳаёт бахш этаётганимдан хурсандман. 1985 йилнинг 19 августида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилганман. 2010 йилда Санкт-Петербург Педиатрия тиббиёт академиясини имтиёзли диплом билан тугатдим. 2010-2015 йилларда Россия Федерацияси, Москва шаҳридаги А. Бакулев номидаги юрак-қон томир хирургияси илмий марказида ординатура ва аспирантурада таҳсил олдим. 2017 йилда устозим профессор Лео Бокерия раҳбарлигида диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим. 2012-2019 йилларда мазкур марказда кичик илмий ходим ва юрак қон-томир хирургия лавозимида ишладим. 2019 йилнинг июль ойида жонажон Ўзбекистонимизга қайтиб, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлимида фаолият бошладим. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики ушбу бўлимида бола-

жамоага келганимдан буён бемор болажонларимизда операция жараёнларини амалга ошириш, уларни саломатлигини тиклашда ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман. Фаолият юритиш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Аввало, Президентимизга ўз ташаккуримни билдираман. Чунки уларнинг тақлифлари билан юртимизга келиб, фарзандларимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётганлигидан, шунингдек, жараёнлар давомида тажрибамга эга бўлаётганлигимдан мамнунман.

Бир сўз билан айтганда, аёл ва жамият. Бу худди эгизак мисол бир-бирига уйғун. Чунки, аёл қайси соҳада фаолият юритмасин, у жамиятнинг узвий бирлиги сифатида тараққиётнинг бош мезони ҳисобланади. Жамият фақат ривожланишда, унинг истиқболи ва фаровонлигини таъминлаш эса аёлларнинг руҳиятида кечадиган ўзгаришлар билан боғлиқ. Оиламиз аёлсиз



МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

2019 йилнинг июль ойида жонажон Ўзбекистонимизга қайтиб, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлимида фаолият бошладим. Шу кунга қадар мазкур муассасада 100 дан ортиқ бемор болаларда юракда очик ва ёпиқ операцияларни муваффақиятли амалга оширдим.

тасаввур қила олмаганимиздек, жамиятимизни ҳам уларсиз тасаввур қилиш қийин. Аёл бугун муваққил, у жамиятнинг ишончли аъзоси. Қаерга бормайлик, бунга хотин-қизларнинг обрў-эътибори, матонат ва иродаси, жамият ривожига қўшган озгина ҳиссаси бўлса ҳам қадрлаш кераклигини, уларга иззат-икром кўрсатиш кундалик воқеликам айла-иштини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз аёлларини баҳор ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлайман.

Орамизда шундай шифокор аёллар бор. Кунларни тунга улаб, бемор саломатлиги учун ҳаловатидан ҳам кечига тайёр. Айтишингиз мумкин, бунга хотин-қизларнинг обрў-эътибори, матонат ва иродаси, жамият ривожига қўшган озгина ҳиссаси бўлса ҳам қадрлаш кераклигини, уларга иззат-икром кўрсатиш кундалик воқеликам айла-иштини гувоҳи бўлиб турибмиз.

ОНАЛАР ҲАҚИДА ЭЪТИРОФЛИ ФИКРЛАР

Дунё халқлари ичида оналарни севиш, қадрлаш ва улуғлаш борасида ўзбеклар хамиша энг олдинги сафларда бораётгани, бошқа миллатларга ўрнатилган кишига фахр ва ифтихор бағишлайди. Бу ажойиб ва бебаҳо фазилатимиз билан ҳар қанча гурунлансақ, фахрлансақ арзийди. Биздай онани бошига кўтарадиган ва онадай улуғ зотнинг ҳурматини жойига

қўядиган миллат кам топилса керак...

Одам боласи она туйғайли бўлган ҳаётини кўриш бахтига мурасар ва мушарраф бўлади. Она туйғайли бу ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўлади. Она туйғайли дунёнинг завқ-шавқига, қувончларига қўшилиб юради. Она туйғайли бахти-болга эришади. Она туйғайли умрини яхшиликларга, эзгулик-

ларга, фидойи ишларга сафарбар этади. Она туйғайли умрини яхши ва эзгу амаллар билан безайди. Ҳар бир фарзанд, ҳоҳ у ўғил бўлсин, ҳоҳ у қиз бўлсин, энг аввало, онасини рози қилишга интилади. Онаси олдиндаги қарани узини шарафли бурчи, деб билади.

Она улуғ зот бўлиш билан бирга, ўзида ҳайратли мўжизаларни мужассам этган сир-

синоатларга бой инсон. Масалан, гўдак чинқириб йиғлапти. Уни атрофидигилар қанча ҳаракат қилмасин тинчлантиролмаётдилар. Бола на алдовга, на дўққа кўнади. Юмушлардан бўшаган онаси уни дарҳол бағрига босади. Гўдак она исини олиши билан тинчийди. Яна бир ҳолат: бола касал, иссиғи баланд, бир

аҳволда ётибди. Унга докторнинг дори-дармонлари ҳам унчалик қор қилмапти. Шунда она алаҳсираётган фарзандининг пешонасига меҳр билан ҳароратли қафтини қўяди. Бир пастдан сўнг бола ором ола бошлайди. Она билан боғлиқ бундай ҳайратли мисолларни кўплай келтириш мумкин...

2-3-сahифа материалларини Ибодат СОАТОВА ва Ҳасан АБДУҒАНИЕВ тайёрлади.

Қалбадаги хотиралар

ҒАЛАБА БАҲОРИДА...

Иккинчи жаҳон уруши айна даҳшатли жараёнга кирган пайт. Урушнинг номи ўчсин. Унинг асоратлари эл-юрт қатори бизнинг хонадонимизни ҳам четлаб ўтмади. Оиламиздан бир эмас, тўрт нафар навқирон йигит: Абдувоҳидхон, Назруллоҳон, Забиҳуллоҳон ва Ҳамидуллоҳон амакиларим ҳам ҳаёт-мамот жангга сафарбар қилинди. Аммо бу қирғинбаротнинг дастлабки кезларидаёқ, эндигина йигирма ёшга қаршилаётган Забиҳуллоҳон акамнинг Волга дарёси бўйларидаги жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақидаги "қора хат" оиламиз аъзолари руҳини анча тушириб юборди.

ин бир ҳафта ўтар-ўтмас Абдувоҳидхон амаким яна фронтга жўнаб кетдилар.

Келинойимиз Фаридохон аямиз: "Мен ҳам сиз билан фронтга кетаман! Тақдирим нима бўлса, сиз билан бўлсин!", деб туриб олдилар. Хонадонимиз катталарининг маслаҳати билан ҳозирча Абдувоҳидхон амаким, бироз кейинроқ орқаларидан келинойим етиб боришадиган бўлишди. Соғлиги ёмонлиги туфайли ҳарбий хизматга қақирилган отам бир неча кун поездда йўл юриб, не-не машаққатлар билан келинойимни Украинанинг Ворошиловград вилояти Альчевский шах-

гим керак? – дедим ўзимга-ўзим. Шунинг учун ҳам акамиз хизмат қилаётган кўчма дала – ҳарбий-тиббий бўлинмада ўзимга иш топдим. Шикастланган ярадорларнинг жароҳатларини боғлаш, малҳам қўйиш, ўзгалар ёрдамига муҳтож беморларни парвариш қилиш, уларнинг оила аъзоларига хат-хабар ёзиб бериш ва жўнатиш, газета ва журналлардан қизиқарли мақола, янгиликларни соф рус тилида ўқиб бериш билан шуғулландим, беморларнинг кайфиятини кўтариб, уларни тезроқ соғайиши, ҳаётга, жанговар сафга қайтаришга ҳаракат қилардим. Бир куни, аниқроғи,



ни қувнатар, иштаҳамни кўзгатар, бироқ уларни узиб олишга кўлим етмасди. Шунда минг хижолат, андишани унутиб сизга ялинардим:

– Жон Искандархон, менга довучча узиб беринг!

Сиз ҳам илтимосимни рад этмай, узун қамишинг орасига довучча қистириб, дарров менга узатар эдингиз. Мен уларни апил-тапил оғзимга солиб, карскурс чайнаб, роса маза қилардим, тишларим қамшиб кетса ҳам яна ва яна довуччага талипнардим.

Хуллас, уруш бизнинг ғалаба билан тугади. 1945 йилнинг 30 октябрида Абдувоҳидхон амаким эсон-омон бағримизга қайтидилар. Ўша куни тўй устига тўй бўлди, келинойим бизга жажжи қизалоқ ҳада қилдилар. Исмини Саидхон қўйдик.

Урушдан сўнг Абдувоҳидхон амаким турли йилларда Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Чиноз туманлари касалхоналарида бош шифокор, кейинчалик узоқ вақт Тошкент шаҳридаги 6 ва 9-поликлиникаларда шифокор-рентгенолог бўлиб ишладилар. Бу орада оилада кетма-кет тўрт ўғил дунёга келди. Эл-юртга таниқли болалар шифокори Саидхон бу йил етмиш беш ёшани нишонлайди. Укалари Абдуғафур етук жарроҳ, тиббиёт фанлари номзоди, "Фидокорона меҳнатлари учун" ордени соҳиби, Абдуваллихон устоз, самолётсоз-муҳандис, Абдумаликхон қурувчи-муҳандис, Абдурахимхон тадбиркор бўлиб етишди.

Амаким эса 1989 йили оламдан ўтдилар. Эндиликда уларнинг умри, орзу-ниятларини фарзандлар аржумандлари, 50 дан зиёд неваралар, чеваралари амалга оширишга тўғри кўнгилга таскин беради.

Искандар РАҲМОН,
Қуроли Кучлар фахрийси.



Бирок, Абдурахмон хожи бобомизнинг "Қирқ йил қиргин бўлса ҳам, ажали етган ўлади. Шунинг учун тушкунликка тушмаймиз. Фотиҳа очмаймиз. Балки эсон-омондир, Худо хоҳласа, ҳеч гап эмас. Унинг бошқа юртдошларимиз, янгирбандларимиз қатори ғалаба кучиб, бағримизга қайтишини интизорлик билан кутишимиз", деган умидбахш сўзлари зирқираган юракларимизга далда, таскин бўлган эди.

Болалик хотирамда бир воқеа сақланиб қолган. 1943 йилнинг кузида Абдувоҳидхон амаким кутилмаганда эрталаб озиб-тўзиб кетган, ҳорғин аҳволда ҳарбий либосда уйимизга кириб келдилар. Билишимча, улар жанг майдонларида бемор ва ярадор бўлган юзлаб ҳарбийлар билан тўлиб-тошган темир йўлдаги узундан-узун эшелон врачсифатида мамлакат ичкараси – Душанбе шаҳрига хизмат сафарига юборилганлар. Фақат эшелон белгиланган манзилга етиб, барча бемор ва ярадорлар жой-жойига тарқатилган, амаким сардорлари руҳсати билан вақтинча Тошкентга келганлар. Уйимизда уч-тўрт кун келди-кетди давом этгани ёдимда.

Айтишларича, бир куни кечқурун амаким ўзларига онадай меҳрибон, сирдош ва маслаҳатқўй бўлган онамга ҳаддила-ри сизиб, ички дард-аламла-

рини ёзганлар:

– Мана, яна фронтга қайтиб кетишимга ҳам бир ҳафта қолди. Энди ҳаётдан шундоқ сўққабош, бўйдоқлигимча ўтиб кетавераманми, келинойи?

– Вой, нега бундай деяписиз, Мулла ака, – деганлар онам бу гапдан хангу манг бўлиб. – Эсон-омон уйга қайтсангиз, катта тўй қиламиз, озми-кўп тайёргарчилигимиз бор, умидсиз бўлманг.

– Қайтмасамчи?

– Худо асрасин!

...Бу самимий суҳбат ўша кунийёк бутун баёни билан яшин тезлигида отам Абдурафиқхон ва донишманд опалари Тўрапошшахон аммамиз ҳамда хонадонимиз улуғи Абдурахмон хожи бобокалонимизнинг қулукларига етиб борган. Бобом узоқ ўйлаб ўтирмай, шартта қарор қабул қилганлар:

– Ҳозирок, Зухриддинхоннинг кизига совчиликка боришлар. Бир-биримизга синашта одамларимиз. Худо хоҳласа, йўқ демас керак!

Маслаҳатдан сўнг, аммам ва отам дарҳол отланишиб, маҳалла-ламиздаги обрў-эйтиборли хонадон соҳиблари Зухриддинхон ва Фотиҳахонларга муддаоларини маълум қилишган. Тақдир эканми, бунга жавобан хонадон соҳиблари ҳам совчиларнинг истакларини яхши ниятла қабул қилишган:

– Қиз бола бировнинг ҳасми, тенги чиқса текинга бер, дейишган экан. Ҳожи тоғамизнинг хурматлари чексиз биз розимиз!

Шундай қилиб, уйимизда тўй ҳаракати бошланди. Орадан уч-тўрт кун ўтмасдан, никоҳ тўйи ҳам бўлди. Эсда қоладигани шуки, тўй ўша пайтларда хали унча расм-русум бўлмаган, яъни янгича, замонавий, ёшларга хос тусда ташкил қилинди. Келин-куёв беш-ўнта ўртоқлари, дугоналари билан катта дастурхон атрофида ўтиришди. Мен оиламизнинг энг кичик ва суюкли вакили сифатида келин-куёвнинг ўртасида ўтирдим. Тўйдан кей-



рида хизмат қилаётган амакимнинг олдиларида қолдириб келганлар. Уларнинг эсдалик учун бирга тушган суратлари ҳалига-ча оиламиз альбомида авайлаб-асраб келинади.

– Ўша пайтларда ўзим ҳам айна куч-қувватга тўлган, эл-юртим деб тоғни талқон қиладиган, қўрқув нималигини билмайдиган, ёвуз душманга аёвсиз, жасоратли, қил-қизил олов эдим-да, – дея ўтган оддий воқеаларни эсладилар аяжоним бир куни ўзаро суҳбатимиз чоғида. – Ёшман, акамиз эртаю кеч хизматдалар, мен эса бекорчиман. "Бекорчимдан Худо безор" дейишганидек, вақтни беҳудага ўтказмайин, деб акамизнинг ёнларига ҳамкор, мададкор бўлганман. Ахир ўзим ҳам аввал тиббиёт институтида бир муддат ўқиб, уруш бошлангани ва бошқа сабаблар туфайли соҳамни ўзгарттирганман. Тиббиётдан хабарим бор, етук ҳамшираман-ку! Энди нега жанг майдони бўсағасида туриб, Ватан ҳимоясида шикастланган бемор ва ярадорларга кўлимдан келган ёрдамимни бермасли-

1945 йилнинг март ойи ўрталарида акамиз кечки пайт хизматдан шовиш келдилар-да, менга дедилар:

– Тезроқ нарсаларингни йиғиштири, уйга қайтиб кетишинг керак! Биз яқин кунларда Берлин томон юрар эканми!

– Дарров чипта олиб, ярим тунда Сталино-Москва поездида чиқдим. Йўлда кетар эканман, уруш келтирган даҳшат, вайроналарни кўриб, ич-ичимдан эзилдим. Бунинг устига ҳомилалар бўлганим учун аҳволим ҳам бирнави эди. Ниҳоят, 1945 йилнинг 27 мартда, дов-дарахтлар куртақлаб, яшил барг ёзган паллада Тошкентга қайтиб келдим. Ёдингизда бўлса Искандархон, кўшимиз Шукур кўмирчининг ховлисида ўсган ўрик дарахтининг бир шохи биз томонга эгилиб, шигил хосил қилган эди. Катталиги олчадек бўлган кўм-кўк довуччалар кўзим-

Шеърят кечаси

БУЮК ШОИРА ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллудининг 105 йиллиги муносабати билан Республика Марказий кўзи оғизлар кутубхонаси томонидан пойтахтимизнинг 77-сонли ихтисослаштирилган кўзи оғизлар мактаб интернатида "Ўзбекнинг матонатли шоираси" деб номланган шеърят кечаси бўлиб ўтди.

Атоқли шоиранинг маданиятимиз тарихидаги қўнган хизматлари эътиборга олинган 1999 йилда Зулфияхонимнинг Давлат мукофоти таъсис этилди. Мана, орадан 20 йилдан ортиқ вақт ўтибдики, республикамизнинг барча вилоятларида Зулфияхоним издошлари бу мукофотга

лойиқ деб топилмоқда. Шеърят кечасида оташнафас шоиранинг умр йўллари, ижод намуналари ҳақида чиройли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, ўқувчилар томонидан унинг "Хаёт варақлари", "Уни Фарход дер эдилар", "Садоқат", "Ҳижрон кунларида", "Шалолат", "Мушоира" сингари

дилбар шеърларидан намуналар ўқилди. Шунингдек, Республика Марказий кўзи оғизлар кутубхонасининг Рельеф харфли босмахонасида чоп этилган, яъни ушбу санага бағишланган шоиранинг брайль ёзувидаги "Шалолат" шеърӣ тўплами тақдими ҳам ўтказилиб, ушбу шеърӣ тўплам ўқувчиларига совға сифатида мактаб кутубхонасига тақдим этилди.

Диёра БОЗОРОВА,
Республика марказий кўзи оғизлар кутубхонаси услубчиси.



Катъий назорат

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Олий ва касб-хунар таълими муассасаларида



Ушбу вируснинг дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётгани боис, уни юртимизда тарқалишининг олдини олиш мақсадида катъий назорат чоралари кўрилувчида.

Ана шу мақсадда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда коронавиралар инфекциясини юртимизга кириб келишининг олдини олиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Вазирлик юртимиздаги олий ўқув юртли ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида профилактик чора ва назоратни кучайтириш, тегишли санитария тадбирларини амалга ошириш орқали мураббий ва талаба-ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги билан ҳам қўшма қарор қабул қилди. Унга кўра, ўқитувчи ва талабаларни ўқиш, малака ошириш ва тажриба алмашуви бўйича алоҳида кўрсатма бўлмагунча хорижга, айниқса, коронавиралар инфекцияси қайд этилган давлатларга чиқишларини чегаралаш, барча халқаро тадбирлар, олимпиадалар ва шу каби бошқа тадбирларни ҳам ўтказмаслик ва уларда қатнашиш учун чет мамлакатларга бормаслик ҳамда Ўзбекистонга келадиган чет эллик талаба ва ўқитувчиларнинг вақтинчалик киришини чегаралаш чораларини катъий кўриш вазифалари белгиланди. Шунингдек, мазкур ҳужжат билан таълим муассасаларида талабаларнинг ҳар кунлик тана ҳароратини ўлчаш, кунлик кузатувларни олиб бориш, ўткир респиратор инфекция касаллиги белгилари аниқланганларни тиббий пунктга олиб бориш, талаба ва ўқувчиларнинг шахсий гигиена қоидаларига амал қилишларини мунтазам назорат қилиш, аудиториалар, талабалар турар жойлари ва бошқа хоналарда кунлик дезинфекция тадбирларини мунтазам ўтказиш, танаффус вақтларида барча хоналарни шамол-

латиш каби профилактик тадбирларни катъий амалга ошириш кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш учун шароит яратиш, талаба ва ўқувчиларга қўлларини кунига бир неча маротаба совунлаб ювишини тавсия қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавиралар инфекциясининг олдини олиш бўйича тайёрланган тарқатма материалларни барча талабаларга етказиш каби вазифалар ҳам акс этган. Бундан ташқари, санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирларини бажарилиши бўйича ҳар бир таълим муассасасининг раҳбари шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Шу ўринда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги жаҳонда коронавиралар билан боғлиқ эпидемия тез суръатда ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, юртимиздаги барча олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари масъулларидан юқорида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларга катъий риоя қилиб, уни назорат қилишларини сўрайди.

Умумтаълим мактабларида

Куни кеча вазирлик юртимиздаги мавжуд 9950 га яқин умумтаълим муассасасида тегишли санитария чораларни амалга ошириш орқали ходимлар ва ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги билан қўшма қарор қабул қилди.

Унга кўра, юртимиздаги барча таълим муассасаларида профилактик чоралари ва назоратни кучайтириш, ушбу масалада огоҳлини олиши, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиниши, масъуллар иштирокида эрталабки филтрни ташкил этиш, мактабга келмаган ходим ва ўқувчиларнинг аҳолидан касал олиш, ўткир респиратор халқаро белгилари аниқланган ўқувчилар ҳақида зудлик билан ота-онаси ва ҳудудий оилавий поликлиникага хабар бериш каби қатор вазифалар

аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда дунёдаги эпидемик вазият барқарорлашгунга қадар халқаро ва оммавий тадбирлар ҳамда спорт мусобақаларини зарурат бўлмаса ўтказмаслик, айниқса, чет эл фуқаролари ва хориж давлатларида бўлиб келганларнинг таълим муассасаларига ишга, уларнинг фарзандларини эса вақтинча карантин даврида ўрта мактабга қабул қилмаслик чораларини катъий кўриш билан боғлиқ вазифалар ҳам акс этган. Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар, жумладан, таълим муассасаларида тозалик ва дезинфекция тадбирларини кучайтириш, ўқувчиларнинг кўйларини тез-тез совун билан ювиш, акса урганда албатта тирсак билан ёпиш ва бошқа гигиена қоидаларига бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳар танаффус вақтида синфхоналар-

ни шамоллатиш, муассасаларда кундалик тозалов ишларида дезинфекция воситаларидан доимий фойдаланиш чораларини кўриш каби профилактик тадбирларни катъий амалга ошириш кўрсатиб ўтилди. Умумтаълим муассасаларида санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирларини бажарилиши бўйича ҳар бир таълим муассасасининг раҳбари шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги жаҳонда коронавиралар билан боғлиқ эпидемия суръати ҳар соатда тез ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимиз билан айрим давлатларга парвозлар чекланиб, вақтинча тўхтатилганлигини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

циясининг профилактикаси ва назорат бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, тегишли санитария чораларини амалга ошириш орқали болалар саломатлигини муҳофаза қилиш белгиланди. Ушбу ҳужжатга асосан, эндиликда боғчаларда масъул ходимлар иштирокида эрталабки филтрни ташкил этиш, ўткир респиратор касаллик белгилари аниқланганда тарбияланувчиларни алоҳида-лаш ҳамда зудлик билан ота-онаси ва ҳудудий поликлиникага хабар бериш, болаларнинг кўйларини тез-тез совун билан ювиш, шахсий гигиена қоидаларига катъий риоя қилиниши бўйича доимий огоҳлантириш ишлари олиб борилади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида хоналарни шамоллатиш, доимий равишда дезинфекция воситалари ёрдамида кундалик тозалов ишларини олиш бориш, тозалик ҳамда дезинфекция тадбирларини кучайтириш, муассасадаги тиббиёт хоналарини зарур

тиббий асбоб-ускуналар, зарарсизлантирувчи воситалар ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш каби профилактик тадбирларни катъий амалга ошириш кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, дунёдаги эпидемия вазият барқарорлашгунга қадар халқаро ва оммавий тадбирларни ўтказмаслик, чет эл фуқаролари ва хорижда бўлган фуқароларни мактабгача таълим муассасасига вақтинча ишга қабул қилмаслик ва уларнинг фарзандларини эса карантин даври тугамагунча боғчага олмаслик каби катъий чораларни кўриш ҳам мазкур ҳужжатда акс этган. Шу билан бирга, санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирларини бажарилиши бўйича ҳар бир мактабгача таълим муассасасининг раҳбари шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Барча фуқаролар мазкур жараёнда ҳушёр ва огоҳ бўлишларини сўраб қоламиз.

КОРОНАВИРУС **ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

Шу кунларда кўпчиликда бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётган коронавиралар инфекцияси билан боғлиқ қатор саволлар туғилмоқда. Куйида тиббиёт фанлари доктори, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти директори Ботир ТАД-ЖИЕВга ана шу саволларнинг айримлари билан мурожаат қилдик.

“COVID-19” ИНФЕКЦИЯСИДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?



– Коронавиралар юқиши ва белгилари ҳақида маълумот берсангиз?

– Коронавиралар инфекциясининг яширин даври 2 кундан 14 кунгача давом этади. Ҳозирги кунда вирус тарқалиши асосан одамдан одамга яқин алоқа оқибатида юз бермоқда. Унинг аломатлари иситма, йўтал ва нафас қисими ҳисобланади.

Вирусни барча ёшдаги одамлар юқтириши мумкин. Ёши катта, сурункали касалликка йўлиққан, иммунитетни заифлашган одамларда касаллик оғирроқ кечиши мумкин. Айни пайтда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва дунё давлатлари мутахассислари ушбу вирусга қарши янги вакцина ва даволаш методларини яратиш устида фаол ишлашмоқда.

– Ҳозирда хасталиқдан сақланишда қўлларни ювиш муҳим ўрин тутуши ҳақида кўп гапирилмоқда...

– Тўғри. Қўлларни тез-тез ва совун билан яхшилаб сувда ювишнинг аҳамияти беқиёс. Бундан ташқари, спирити дезинфекциядан фойдаланиш ҳам зарар қилмайди. Овқат қилиш давомида ҳамда ундан олдин ва кейин, шунингдек, овқатланишдан олдин, уй ҳайвонлари олдида қайтганда ҳам қўлларни ювиш унутмаслик керак. Айни кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бутун аҳолига қўл ювишнинг аҳамияти ҳақида sms хабарлар тарқатилганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

– Мутахассис сифатида коронавираларни юқтириш олмаслик ёки унинг хавфини камайтириш учун яна қандай эҳтиёт чораларини кўриш керак, деб ўйлайсиз?

– Аввало, шамоллаш ёки грип аломатлари кузатилган одамлар билан яқин алоқа қилишдан тийилгин. Юзни қўл билан ушламанг. Имкон қадар бозор, вокзал, катта дўконлар каби одамлар йиғиладиган жойларга боришни камайтиринг. Йўталганда, бурун қоққанда ва аксирганда оғиз ва бурнингизни беркитинг. Касалликнинг илк аломатлари кузатилганда, уйда қолинг ва дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

– Инфекциядан сақланиш мақсадида ҳимоя никобини тақиб юриш қанчалик зарур?

– Биласизми, сизда йўтал, нафас олишда қийналиш каби респиратор инфекция аломатлари кузатилса, шунингдек, тиббиёт ходими сифатида инфекция аломатларига эга беморга қараётган бўлсангиз ёки бориб кўрсангизгина тиббий никобни тақиб юришингиз мумкин. Респиратор инфекцияси аломатлари мавжуд бўлмаган барча ҳолатларда ҳимоя никобларини тақиб юришга зарурат йўқ.

– Инфекциядан сақланиш мақсадида овқат тайёрлаётганда қандай эҳтиёт чораларига амал қилиш лозимлиги ҳам кўпчиликини қизиқтириши табиий...

– Аввало, овқат тайёрлаётганда, хом гўшт ва тайёр овқатни кесиш учун алоҳида чопиш тахталари ва пичоқлардан фойдаланиш зарур. Гўшт ва сўт маҳсулотларини ушлагандан кейин қўлларни яхшилаб ювиш муҳим ўрин тутди. Гўшт маҳсулотларини яхшилаб пишириш лозим. Хом ёки чала қайнатилган гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланинг.

– Сафарга йўл олганда коронавиралар инфекциясидан сақланиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

– Аввало, зарурат бўлмаганда хорижга чиқкидан чекланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сафарга чиққанда инфекциядан сақланиш учун юқоридаги айтиб ўтилган, умумий гигиеник қоидаларга катъий риоя қилиши керак. Бунда аввал, қўлларни спирити нам салфетка ёрдамида тез-тез артиб, совунлаб ювиб туриш керак. Соғлиқнинг ёмонлаша, сиз билан сафарга чиққан гuruh аъзоларига хабар қилинг ва имкон бўлиши билан шифокорни ҳам хабардор этинг. Шамоллаш ёки грип аломатларига эга одамлардан йироқ бўлинг, агар юқоридаги аломатлар сизда сезилса, сафарни бекор қилганингиз маъқул.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Ибрат

ХАЛҚ ЭЪЗОЗИДАГИ БАХТЛИ АЁЛ

– Отаси, оиламиз жўжабирдай жонмиз. Шу десангиз, ўғлимизнинг бирини шифокорлик касбига ўқитмасак бўлмайди.

– Анаси, нега энди ўғилларимизни ўқитайлик деб қолдинг, қизларинг-чи?

– Эй, қиз бола бировнинг ҳасми. Мисоли палаҳмон тоши. Тақдир қарерда бўлса, ўша жойга бориб тушади.

Машарип ака дастлаб турмуш ўртоғи Гулчехра опанинг тўсатдан айтган бу таклифига ҳайрон қолди. Аммо, фарзандларини, муносиб тарбиялаш, ўқитиш, хунарли ва уйли-жойли қилиш ҳар бир ота ва онанинг бурчи, эканлигини ўйлаб, шундай деб кўйди:

– Балли онаси, балли!

Бу орада оиланинг тўнғич фарзанди мактабни аъло баҳор билан тамомлаб, Урганч шаҳридаги олий ўқув юртидан бригада хужжат топширди. Орадан икки йил ўтиб, оиланинг иккинчи фарзанди Гулбаҳор ҳам Самарқанд тиббиёт олийгоҳига хужжатларини топширди. У ҳам акаси сингари кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, тиббиёт олийгоҳининг умумий шифокорлик факультетига ўқишга қабул қилинди.

«Омад бахт билан ёнма-ён юради» деганларидек наманганлик ҳамқурси Олимжон Каримов билан яқиндан танишиб қолди. Бу танишув орадан бироз вақт ўтиб, икки ёшнинг тақдирини бирлаштирди. Ота-оналарнинг руҳати билан 1975 йили оила куришди.

Улар ўз касбларининг билимдонлари Зулфия Ниёзметова, Абдулла Ҳамраев, Замира Бекназарова, Омина

Азизовалар қўлида мустаҳкам билим олдилар ва касб сирларини мустаҳкам эгалладилар.

1980 йили Олийгоҳни муваффақиятли тугаллаган Олимжон Каримов ва Гулбаҳор Рўзметовалар кўевнинг ота юрти Наманган вилояти, Поп туманидаги Чоркесар қишлоғига Бахтиёржон билан Ёндошбой ака ва Саломатхонларнинг ҳонадонига кириб келишди. Қишлоқ аҳли оила бошлиқларини фарзандлари Олимжоннинг олий маълумотли шифокор бўлганлиги билан табриклашиб, хоразмлик келинларини самимият билан қаршилашди.

– Ассалому алайкум, Гулчехра опа бизларнинг қишлоғимизга хуш келибсизлар, – дея ўзининг табрик сўзини бошлади оиланинг тўнғич фарзанди Салимбой Каримов. – Қишлоғимизда уч минг нафардан ортқ аҳоли яшайди. Бизнинг ҳудудда қишлоқ врачлик ёки фельдшерлик, акушерлик пун-

кти ҳам йўқ эди. Одамларимизнинг бахтига яқинда ҳудудида физиаатрия ва пульманология сихатгоҳи курилиб, ўз фаолиятини бошлади. Мана, энди келиним, укам ва турмуш ўртоғим Мавлудахон билан биргаликда сихатгоҳ ҳамда маҳалламизда халқ саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қиламиз.

– Бизнинг оиламиз бу ердан 1000 километрдан узоқ жойда яшайди. Мен турмуш ўртоғим Машарип ака билан фарзандларимизни воёга етказдик. Уларнинг ҳар бири хунарли. Оралик масофа узоқ бўлса ҳам кўнгли яқин экан, ёшлар бахтли бўлишди.

Одамлар Гулбаҳорнинг онаси Гулчехра Матёқубованинг сўзларига самимият билан кўшилишди.

Олимжоннинг отаси Ёндошжон ака ва онаси Саломат аялар ҳамда фарзандлари Салимбой, Ҳалимбой, Комилжон, Ҳоликжон, Содикжон, Эргашбибилар ҳам икки ёшни куллади.

– Шогирдларимнинг олий маълумотли шифокор бўлиб, ўзи воёга етган қишлоғига ўзига ўхшаш олий маълумотли шифокор келин олиб келганлигидан беҳад қувондим, – дейди Олимжоннинг устози Ҳоликназар Хосиётов.

Улар кўп вақт ўтмай ўзларининг меҳнат фаолиятларини Поп туманидаги «Чоркесар» давлат хўжалигининг Иймон ота номи бўлимидаги Пардасун номи фтизиатрия ва пульманология сихатгоҳида бошладилар. Мана, шу ўтган 40 йил

ичида минглаб дам олувчиларнинг саломатликларини тиклаб кетишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келишмоқда.

Биргина шифокорни орзу қилган Ёндошбой ота ҳонадонидан ҳозирги кунда 10 нафар шифокорлар эл соғлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келмоқда. Яъни, акаси Салимбой (марҳум) ва унинг қизи Марғуба, турмуш ўртоғи Матлуба, Олимжон ва Гулбаҳор ҳамда фарзандлари Гулирух, Дилафрўз ва Жасурбек, келинлари Нодирахон ва Мафтунахонлар.

– Сихатгоҳимизни ободонлаштириш ва хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун 300 ўринли замонавий асбоб-ускуналар билан тўлик таъминландиган кўшимча замонавий бино курилиши бошлаб юборилди, – дейди сихатгоҳ бош шифокори Махсудали Нуралиев. – Ходимларимиз янги асбоб-ускуналар билан ишлашни тўлиқ ўрганиб олишлари учун ўз малакаларини ошириб келишмоқда. Олий тоифали, 40 йиллик амалий малакага эга бўлган Гулбаҳор Машариповна ўз малакасини ёшларга ўргатишда тиним билмай меҳнат қилиб келмоқда. Муассасамизда саломатликларини тиклаб, оиласига қайтаётганларнинг кўпчилиги врачларимиз Гулбаҳор Рўзметова, Левиза Назарова,



Олимжон Каримов, Кескир Шерматовлар ва ҳамшира ва фельдшерларимиз Фолибжон Сунонов, Жасур Каримов, Гулола Шамитова, Васила Мамажоноваларга ўз миннатдорликларини билдириб кетишмоқда.

Дарвоқе, сихатгоҳдан қайтаётганимизда бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Андижонлик Фотима Нуриддинова, наманганлик Аҳмадали Ёқуббоев, Фарғона вилоятидан Абдусаттор Мамасолиев, хоразмлик Зебинисо Саидметова ва бўкалик Раънохон Абдурахмоновлар саломатлигини мустаҳкамлашлари учун кўрсатган тиббий хизматлари учун Гулбаҳор Рўзметовадан чексиз миннатдор эканликларини билдиришди.

Биз ҳам бугунги бахтли кунлари учун тақдир ортидан 1500 километр йўл босиб келган, айни пайтда ҳудуд аҳолисининг ҳурмат-эътиборини қозонган хоразмлик келин Гулбаҳор Рўзметованинг келгуси фаолиятларига муваффақият тиладик.

Пардабой ЭРГАШЕВ.

Мутахассис тавсияси

ПИЁДА ЮРИШНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН ФОЙДАСИ

Одам ўзини яхши ҳис қилишида, қобилиятини тиклашда, ниҳоят, ташки кўринишининг соғлом бўлишида пиёда юришни одат қилиш жуда муҳим ҳисобланади.

Яёв юрилганда гавданнинг барча мускуллари жалб қилинади. Бунга махсус тайёргарлик кўриш зарур эмас. У ички органларга ҳам таъсир ўтказмай қолмайди, қон айланиш тизимининг яхшиланиши ҳисобида организмда моддалар алмашувини яхшилайди. Яна бир жиҳати, пиёда юриш нафас ва асаб тизимини машқ қилдиради. Эрталаб ишга кетадиган пайт пиёда юриш ҳам жуда самаралидир. Бу вақтда ҳаво тоза бўлади, киши кечаси ухлаб, анча дам олганлиги сабабли чарчамасдан 30-40 дақиқа бемалол яёв кеза олади. Ишхонадан чарчаб чиққандан кейин ҳам иложи бўлса, автобусга шошилмасдан, йўлни бир қисмини пиёда босишга ҳаракат қилинса, фаол ҳаракат одамни тинчлантиради, чарчоғини олади. Кечки овқат тановул қилингандан кейин 0,5-1 соат ўтказиб пиёда юриш эса, овқатни ҳазм бўлишига, ичак тизимининг ишини фаоллашувига, озиқ моддаларнинг бутун орга-

низм бўйлаб сингишига ёрдам беради. Пиёда сайрдан сўнг уйку ҳам осуда бўлади, тинчиб дам олишга сабаб бўлади. Пиёда юриш ва унинг фойдали жиҳатлари буйича жуда кўп ёзилган ва буни деярли барча яхши билади. Аммо барча нарсада тартиб бўлганидек, бу ишда ҳам ўзига яраша меъёр ва қоидалар мавжуд.

Қуйида пиёда юришнинг етти энг муҳим қоидага тўхтаб ўтилади.

10 дақиқа: гипертония бевозта қилмайди. Бир кунда 6 маротаба 10 дақиқадан пиёда юришни одат қилсангиз, қон босимингиз меъёрда бўлади.

15 дақиқа: бадантарбия. Тез-тез қадамлар билан одим ташласангиз, 15 дақиқада 100 ккалдан халос бўласиз! Мана, сизга озишнинг арзон ва қулай усули!

20 дақиқа: хотиржамликка эришасиз! Асабий иш кунининг «юк»ларидан халос бўлмоқчимсиз? Унда ҳар куни 20 дақиқагина пиёда юринг. Натижа сизни, албатта, хурсанд қилади. Яна чекишни ташлашни истаганлар, ху-

мор тутганда, 20 дақиқа пиёда юрсалар, бу хоҳиш айни шу дақиқаларда ўз-ўзидан йўқолаётган экан.

25 дақиқа: кайфиятингиз кўтарилади! Тоза ҳавода, ҳатто, ёмғирли кунда, ёлғиз ёхуд кўнглига яқин инсонингиз билан атиги 25 дақиқагина сайр қилсангиз, ширин хотираларни эслайсиз, қалбингиз янги ва эзгу орзуларга тўлади. Натижада, ўзингизни бахтли ҳис қиласиз.

35 дақиқа: стрессга қарши кураш! Тушкунликни енгиш учун қулай фурсат, айниқса кўнглига яқин суҳабтдош билан тоза ҳавода сайр этсангиз бас!

45 дақиқа: шамоллашга йўқ деймиз! Америкалик олимлар 45 дақиқа давомида марафонда қатнашган иштирокчиларнинг 50 фоизи шамоллашни енгиб ўтишганини таъкидлашди. Чунки айнан пиёда юрилганда микроблар ва вируслар таслим бўлarkan. Демак, айни кунларда сайр қилишни унутманг!

60 дақиқа: юракка фойда Британиялик олимларнинг аниқлашича, ҳар куни 1 соат давомида пиёда сайр қилган кишилар юрак хасталиқларига камроқ дучор бўлишаркан.



Хулоса ўрнида:

Хиёбонларда, дов-дарахтлар экилган сокин кўчаларда ва анҳор бўйларидан яёв кезганда роҳат қиласиз. Пиёда юриш фақат фойда, унга на вақт, махсус кийим бош, спорт иншооти ва бошқа шароитлар даркор эмас. Фақат хоҳиш бўлса бас.

Зеро, доим юрсанг пиёда, умринг бўлар зиёда!

Барно ОДИЛОВА,

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори.

Дори қабул қилмай десангиз...

Жисмоний машқларни мунтазам равишда бажариш инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Кам ҳаракатлилик эса инсон организмидан турли юқумли бўлмаган касалликларни келтириб чиқаради.

Абу Али ибн Сино асарларида ҳам жисмоний машқларнинг соғломлаштирувчи ва даволовчи таърибадаги ўрни ва роли ҳақида сўз юритилиб, жисмоний машқларга тўхтовсиз, чуқур нафас олишга олиб келу-

чи эркин ҳаракатлар, дея таъриф берилган.

Агар инсон мўътадил ва ўз вақтида жисмоний машқлар билан шуғулланса ва тартибга риоя қилса, у давога ҳам, дориларга ҳам муҳтож бўлмасли-

ги айтилган. Машқларни тўхтатар экан, у сўнади, дея изоҳ берган ҳаким. Жисмоний машқлар мушакларни, бўғимларни, асабини мустаҳкам қилади. Шунингдек, машқларни бажаришда ёшни ҳам инobatга олиш кераклиги эслатиб ўтилади.

Ибн Сино ўғити



Образование

ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ ЕСТЬ ТРУД И ДОЛГ

В эпоху стремительного развития информационных технологий все большую актуальность приобретают вопросы духовного и нравственного воспитания подрастающего поколения, привития им современных знаний и навыков.

Для этого крайне важно повышать ответственность родителей перед государством и обществом, повышать уровень их правовой грамотности, рассказывает директор общеобразовательной школы № 25 города Чирчика **Арзикул Абдурахмонова**. – От того, кого мы вырастим и воспитаем напрямую зависит будущее страны. Ибо сегодняшняя молодежь станет решающей силой завтрашнего дня, представлять Узбекистан на международной арене.

Отметим, что педагог с сорокалетним стажем вносит огромный вклад в улучшение системы обучения, последовательно внедряет передовые педагогические технологии в образовательный процесс. На сегодняшний день в вверенной ей школе обучаются свыше 1900 учащихся. Обрести необходимые знания им помогают 116 высокообразованных педагогов. Благодаря их усиленной школе является одной из самых преуспевающих во всем городе. Многие ее ученики неоднократно становились победителями и призерами предметных олимпиад всех

уровней. Так, если учащийся девятого класса Самандар Мурадов занял второе место на городском этапе предметной олимпиады по основам государства и права, то семиклассник Мухаммадидёр Нишонов занял третье место на прошедшем в

Камрон Маджитов признан победителем международного первенства по национальному виду борьбы "Белбогли кураш", который прошел в Ташкенте в 2019 году. А учащийся десятого класса Самандар в 2018 году признан чемпионом страны по шахматам среди юниоров. Много воспитанного можно рассказать о восхождении на горные вершины юного альпиниста Марка Роголёва, триумфа в Кыргызстане юного единоборца Анвара Убайдуллаева. А совсем недавно 12-летний Усмонжон Абдуллаев был признан лучшим в своем весе на состоявшемся в Таджикистане международном турнире по вольной борьбе.



Индии международном творческом конкурсе юных вокалистов. В свое время он достиг весомых успехов на аналогичных состязаниях в Италии, Болгарии, Испании, Турции и Казахстане. Тем временем девятиклассник

лаева. А совсем недавно 12-летний Усмонжон Абдуллаев был признан лучшим в своем весе на состоявшемся в Таджикистане международном турнире по вольной борьбе. Большие надежды в поэзии и



прозе подает учащаяся десятого класса Бону Тоштемирова. Написанные ею пронзительные строки о весне, красоте природы переведены на другие языки, а интересная повесть "Бекажон" не раз перепечатывалась на страницах республиканских газет.

В общеобразовательной школе № 25 города Чирчика регулярно проводятся научно-практические семинары, встречи и "круглые столы" с участием известных ученых и писателей, достойных защитников Родины. Остаётся добавить, что Арзикул Абдурахмонова не один десяток лет проработала преподавателем русского языка. Вот уже пятнадцать лет возглавляет тад-

жикский национально-культурный центр "Сугдэна" города Чирчика. Вносит достойный вклад в укрепление дружбы и сотрудничества между представителями народов и этносов, проживающих в Ташкентской области. Будучи депутатом Чирчикского городского Кенгаша народных депутатов от демократической партии Узбекистана "Миллий тиклишни" уделяет огромное внимание возрождению и сохранению лучших национальных традиций узбекского народа, воспитанию подрастающего поколения на основе общечеловеческих ценностей.

Хамидулло УБАЙДУЛЛАЕВ.
Фото автора.

Долзарб мавзу

«ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ»

Куни кеча, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий – методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиалининг "Ижтимоий фанлар" кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан "Гиёҳвандлик – умр заволи" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни филиал директори ўринбосари Б. Саидов кичириш сўзи билан очиб, мавзунинг долзарблиги, сўнгги пайтларда мамлакатимизда гиёҳвандликни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва унинг самардорлиги тўғрисида атрофлича тўхтади. Сўнгра, Самарқанд вилоят Наркология диспансери ва С. Боймиров "Гиёҳвандлик ва

унинг салбий оқибатлари" мавзусида маъруза килди. Мутахассис ўз маърузасида, гиёҳвандлик – бу умр заволи эканлигини, саломатлик кушандаси бўлиб, унинг натижасида кўнгилсиз холатлар юз бериши тўғрисида тўхталиб ўтди. Иштирокчиларга тадбир давомида "Гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари" номли видеоролик намойиш этилди. Тадбирда филиалнинг

"Ижтимоий фанлар" кафедраси мудири вазифасини бажарувчи З. Бегимкулов мамлакатимизда наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш масаласига давлат ва миллатнинг эртасини ҳал этувчи омиллардан бири сифатида қараб келинаётганлигини ҳамда ушбу иллатга қарши курашиш мақсадида бир қатор қонунлар ва ҳалқаро шартномалар қабул қилинганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, қабул қилинган мезъёрий ҳужжатлар тўғрисида чуқур маълумотлар берди.

Тадбир иштирокчиларининг қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан жавоблар берилди.



Зариф БЕГИМКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали "Ижтимоий фанлар" кафедраси мудири.

Благодарность

ВЫ ЛЕЧИТЕ ДОБРЫМ СЛОВОМ

Выражаю искреннюю благодарность заместителю главного врача многопрофильной клиники Ташкентской медицинской академии Мамадиерову Абдулле за доброжелательность и чуткое, грамотное отношение к пациентам. Знаю, чтобы не случилось Абдулла Меллеевич всегда выслушает, поможет, подкажет. Спасибо вам большое!

Я очень признателен заместителю главного врача клиники Абдашимову Зафару, лечащему врачу поликлиники Агза-

мовой Гулчехре, доктору Шамсиеву Жахонгиру, старшей медицинской сестре Кодировой Зухре, лор-врачу Шарипову Улугбеку, врачу-сурдологу Миралимову Ибрахимю, а также всему медперсоналу за высокий профессионализм и внимание к пациентам. Спасибо вам за то, что смогли не только улучшить мое качество жизни, но и поддержать, подбодрить. Я вам за все так сильно благодарен.

Теперь именно благодаря вам моя жизнь стала лучше! Желаю крепкого здоровья, семейного благополучия,

Хотелось бы поблагодарить главного врача Городской клинической больницы № 5 Кенжаеву Гулнору за ответственное отношение к работе, уважительное отношение к пациентам. Спасибо вам за Вашу отзывчивость, неравнодушие и профессионализм! Побольше бы таких

специалистов! Это прекрасная клиника. В ней работают настоящие профессионалы с добрыми сердцами. В отделениях всегда чистота, порядок и спокойствие. Хочу отметить грамотную работу всех медицинских сестер, которые готовы оказывать помощь своим пациентам.

Хочу через вашу газету поздравить всех милых женщин с самым теплым весенним праздником – 8 Марта! С давних вре-

мен роль врачей-лечебников принадлежала прекрасному полу. Нет такой медицинской специальности, которая оказалась бы вам не под силу. Вы лечите не только таблетками, но и своим добрым, ласковым словом, мудрым советом. Пускай все ваши добрые дела и помощь пациентам, будут счастливо вознаграждены глубокой признательностью и радостными улыбками. Желаю здоровья и удачи.

С уважением,
Юрий ШАБУРОВ,
инвалид 2 группы, Ташкент.

Диққат!

Хурматли муштарийлар!

"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш

– Здравоохранение Узбекистана" газетасининг телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий канали доимий фаолиятда.

Эндликда севимли нашрингизнинг ҳар бир сонини PDF формат шаклида @uzssgzt манзили орқали кузатиб боришингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Тошкент шаҳар наркология диспансери бош шифокори МУСТАФЕН Олег Салаватовичга волидаи муҳтарамаси
Троик Роза ГРИГОРЬЕВНАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси жамоаси профессор
Оллоназор ДУСТМУРОВОнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Юртимизнинг мунис
аёлларини 8 март –
Халқаро хотин-қизлар
куни билан самимий
қутлаб, уларни гўзаллик,
нафосат ва шодлик ҳеч
қачон тарк этмаслигини
тилаб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Мамлакатимиз тиббиёт
ходимларини 8 март – Баҳор ва
янгиликни кунини билан
муборакбод этади!

Масъулиятли ва шарафли
ишларингизда омад ҳамда кўтаринки
кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март кунини рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1696 нусха.
Буюртма Г-350.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ, Формати А3. Оффсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.